

**ЃЎЗАНИНГ АЙРИМ НАВ ВА ТИЗМАЛАРИДА ТОЛА ЧИЌИМИ  
КЎРСАТКИЧЛАРИ**

**Халиков Қ.Қ**

*ЎзР ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
Эшонқулова Д.Ш*

*Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети*

**Аннотасия:** *Тадқиқот намуналарининг тола чиқими кўрсаткичлари ўрганилганда, ота-она намуналарида энг юқори кўрсаткич С-6524 навида эканлиги аниқланди. Энг паст кўрсаткич эса А-800 тизмаси бўлиб, ўртача 27,5 % ни ташкил этди. Бундан фарқли равишда 101105 тизмасида тола чиқими 32,8 % ни, Genofond-2 навида 39,5 % ни ташкил этди.*


**Калит сўзлар:** *тола чиқими, С6524, Генофонд навлари, А-800, 101105 тизмалари, кўрсаткич даража, тахлил.*

Ѓўза тола берувчи ўсимликлар гуруҳига кириб, у қишлоқ хўжалиги экинлари ичида энг бебаҳосидир. Унинг асосий маҳсулоти тук кўринишида чигитда ривожланадиган толаси ҳисобланади. Пахта ва ундан олинадиган маҳсулотлар халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг қўлланилади. Пахта толасидан оддий ип, кийим-кечаклар ва турли хил газламалардан ташқари, арқонлар, ҳар хил тўрлар, тасмалар, транспортёр ленталари, резинали шланглар учун махсус матолар, фильтр қоғозлар, сунъий ипак, тиббиёт учун момиқ, шунингдек целлулоид, фото ва киноплёнкалар, лак бўёқлар, юқори сифатли қоғоз ва бошқа турли маҳсулотлар ҳам тайёрланади. [2]

Тола вазнининг пахта хом ашёси вазнига нисбати тола чиқими дейилади. Тола чиқими чигитдаги толаларнинг миқдори ва вазнига боғлиқ бўлади. Ѓўзанинг турли шаклларида тола чиқими 12-15%дан 43-44%гача бўлиши мумкин [1].

Тадқиқотда ғўзанинг С-6524 ва Genofond-2 нав намуналари ҳамда А-800 ва 101105 тизмаларидан фойдаланилди. Математик-статистик таҳлиллар ANOVA дастурида амалга оширилди.

Тадқиқотда тола чиқими кўрсаткичлари ўрганилганда, ота-она намуналарида энг юқори кўрсаткич С-6524 навида бўлиб, 43,2% ни ташкил этди. Энг паст кўрсаткич эса А-800 тизмаси бўлиб, ўртача 27,5 % ни ташкил этди. Бундан фарқли равишда 101105 тизмасида тола чиқими 32,8 % ни, Genofond-2 навида 39,5 % ни ташкил этди (1-расм).



**1-расм. Бошланғич намуналарда тола чиқими кўрсаткичлари**

F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларида тола чиқими бўйича энг юқори кўрсаткич Genofond-2 навининг она сифатида фойдаланилган дурагайларда кузатилди. Бунда Genofond-2×A-800 комбинациясида тола чиқими 39,6 %, Genofond-2×101105 комбинациясида эса 37,0 % ни ташкил этди. C-6524 нави она сифатида фойдаланилган комбинациялар: C-6524× A-800 да тола чиқими 37,0 % ни, C-6524×101105 комбинацияда эса 36,0 % ни ташкил этди. Дурагай комбинацияларда ирсийланиш даражаси (hp=0,2; hp=-0,3; hp=1,0; hp=0,2) C-6524×101105 комбинациясида салбий доминантлик ҳолатини намоеён қилди. (1-жадвал)

**1-жадвал**

**Ота-она намуналари ва F<sub>1</sub> дурагай комбинацияларида тола чиқими кўрсаткичлари**

Дурагай комбинациялар ва уларнинг ота-оналик шакллари	Тола чиқими, мм				
	$\bar{x} \pm S \bar{x}$	Limit	S	V%	hp
1	2	3	4	5	6
<b>Ота-оналик шакллар</b>					
C-6524	43,2 ± 0,6	41,5-45,8	1,8	4,2	-
Genofond-2	39,5 ± 0,5	37,9-41,0	1,5	3,8	-
A-800	27,5 ± 1,8	22,2-34,1	5,4	19,6	-
101105	32,8 ± 0,4	31,0-34,0	1,2	3,7	-
<b>Турлараро F<sub>1</sub> дурагайлари</b>					
C-6524× A-800	37,0± 0,9	33,9-40,5	2,7	7,3	0,2
C-6524×101105	36,0 ± 0,5	33,9-38,2	1,5	4,1	-0,3



# "PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



Genofond-2× A-800	39,6 ± 0,8	37,7-42,9	2,4	6,1	1,0
Genofond-2×101105	37,0 ± 0,8	34,4-40,9	2,5	6,9	0,2

F<sub>2</sub> дурагай комбинацияларида тола чиқими кўрсаткичлари 27,1-43,0 оралиғидаги қийматларни ўз ичига олган 8та синфга бўлинди. Бунда энг юқори кўрсаткич 101105 тизмасини ота сифатида фойдаланилган намуналарда кузатилди. С-6524×101105 комбинациясида тола чиқими 36,3 % ни ташкил қилган бўлса, Genofond-2×101105 комбинациясида эса 36,1 % ни ташкил этди. С-6524×А-800 комбинациясида бу кўрсаткич 32,8 % ни, Genofond-2×А-800 комбинациясида эса 33,5 % ни ташкил этди. Белгининг авлодга берилиши барча комбинацияларда ўртача (мос равишда  $h^2 = 0,94$ ;  $h^2 = 0,27$ ;  $h^2 = 0,60$ ;  $h^2 = 0,92$ ) даражада намоён бўлди. (2-жадвал)

## 2-жадвал

Дурага й комбин ацияла ри	Ўс им лик сон и ва %	Тола чиқими (%) бўйича								S	V %	h <sup>2</sup>	
		синфлар, n = 2											
		27 ,1 -	29 ,1 -	31 ,1 -	33,1 -	35 ,1 -	37 ,1 -	39, 1- 41 ,0	41 ,1 -	$\bar{x} \pm S$ $\bar{x}$			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
<b>Турлараро F<sub>2</sub> дурагайлари</b>													
С- 6524× А-800	10 0	1 0	1 2	15	13	22	2 0	8	-	32,8 ± 1,5	4, 4	13, 5	0, 94
	10 0	1 0,	1 2, 0	15, 0	13, 0	22, 0	2 0, 0	8, 0	-				
С- 6524× 101105	10 0	-	-	20	20	18	1 7	10	15	36,3 ± 1,5	4, 7	12, 9	0, 27
	10 0	-	-	20, 0	20, 0	18, 0	1 7, 0	10 ,0	15 ,0				
Genofo nd-2 ×А-800	10 0	8	1 7	17	17	13	2 0	8	-	33,5 ± 1,5	4, 4	13, 2	0, 60
	10 0	8, 0	1 7, 0	17, 0	17, 0	13, 0	2 0, 0	8, 0	-				
Genofo nd-	10 0	7	1 6	18	18	14	1 5	6	6	36,1 ± 1,7	5, 2	14, 6	0, 92



# "PROBLEMS AND PROSPECTS FOR THE IMPLEMENTATION OF INTERDISCIPLINARY RESEARCH"



2×10 <sup>11</sup> 05	10 0			20, 0	22, 0	33, 0	2 5, 0	-	-				
--------------------------	---------	--	--	----------	----------	----------	--------------	---	---	--	--	--	--

**F<sub>2</sub> дуратай комбинацияларида тола чиқими кўрсаткичлари**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Эгамбердиев А.Э., Ибрагимов Ш.И., Амантурдиев А.Б. Ғўза селекцияси, уруғчилиги ва биологияси. - Ташкент: Фан, 2009. - Б. 52-53
2. Назаров Р.С., Нурматов Ш. ва бошқ. сув танқислигида Тошкент вилояти шароитида ғўзадан мўл ҳосил етиштириш бўйича қўлланма. Тошкент, 2009. 54 бет

